



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2015 йил 12 февраль, № 29 (6212)

Пайшанба

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI A'ZOLARINI TASDIQLASH TUG'RSIDA

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси янги сайланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олдида ваколатларини зиммасидан соқит қилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти таклифига кўра Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2015 йил 23 январдаги қарорларига мувофиқ Бош вазир лавозимига Ш. М. Мирзиёев тасдиқланган.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасига мувофиқ; **Мирзиёев Шавкат Мирмонович** — Бош вазир қишлоқ ва сув ҳўжалиги, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда истеъмол товарлари масалалари комплекси раҳбари,

1. Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазири
2. Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитаси фаолиятини мувофиқлаштиради

Азимов Рустам Содиқович — Бош вазирнинг биринчи ўринбосари — молия вазири

макроиқтисодий ривожлантириш, таркибий ўзгартиришлар, хорижий инвестицияларни жалб этиш ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш масалалари комплекси раҳбари,

1. Иқтисодий вазирилик
2. Молия вазирилик
3. Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирилик
4. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирилик
5. Давлат солиқ кўмитаси
6. Давлат божхона кўмитаси
7. Давлат статистика кўмитаси
8. Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси
9. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирилик фаолиятини мувофиқлаштиради

Зокиров Ботир Иркинович — Бош вазир ўринбосари — Давлат архитектура ва қурилиш кўмитаси раиси

коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш индустрияси масалалари комплекси раҳбари,

1. Фавқулодда вазиятлар вазирилик
2. Давлат архитектура ва қурилиш кўмитаси фаолиятини мувофиқлаштиради

Ибрагимов Фулмон Иномович — Бош вазир ўринбосари геология, ёқилғи-энергетика комплекси, кимё, нефть-кимё ва металлургия саноати масалалари комплекси раҳбари,

1. Давлат геология ва минерал ресурслар кўмитаси фаолиятини мувофиқлаштиради

Розуқулов Улугбек Убайдуллаевич — Бош вазир ўринбосари — «Ўзвотсаноат» АК бошқаруви раиси

машинасозлик, автомобиль ва электротехника саноатини ривожлантириш, маҳсулотларни стандартлаштириш масалалари комплекси раҳбари

Икромов Адхам Илхомович — Бош вазир ўринбосари маданият, таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза масалалари комплекси раҳбари,

1. Олий ва ўрта махсус таълим вазирилик
2. Халқ таълими вазирилик
3. Соғлиқни сақлаш вазирилик
4. Маданият ва спорт ишлари вазирилик фаолиятини мувофиқлаштиради

Боситхонова Элмира Иркиновна — Бош вазир ўринбосари — Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси раиси

Вазирликлар

Саидова Галина Каримовна — Иқтисодий вазири
Ганиев Элёр Маждович — Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири

Абдуҳакимов Азиз Абдуқаҳарович — Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири

Тешаев Шухрат Жўракулович — Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазири
Мирзоҳидов Хуршид Мирсобирович — Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири

Бердиев Қобул Раимович — Мудофаа вазири
Аҳмедбоев Адхам Акрамович — Ички ишлар вазири
Комиллов Абдулазиз Ҳафизович — Ташқи ишлар вазири

Икромов Музаф Мубаракходжаевич — Адлия вазири
Алимов Анвар Валиевич — Соғлиқни сақлаш вазири
Ваҳобов Алишер Восиқович — Олий ва ўрта махсус таълим вазири

Иноатов Улугбек Илёсович — Халқ таълими вазири
лавозими бўйича — Маданият ва спорт ишлари вазири
Худайбергенов Турсинхон Айдарович — Фавқулодда вазиятлар вазири

Давлат кўмиталари

Парпиев Ботир Раҳматович — Давлат солиқ кўмитаси раиси
Дусанов Зоҳид Абдуқаюмович — Давлат божхона кўмитаси раиси
Тўраев Ботир Эшбоевич — Давлат статистика кўмитаси раиси

Хидоятлов Даврон Абдулпаттахович — Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси раиси
Арабов Саидкул Амирович — Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитаси раиси

Тўрамуратов Илхомий Бекчонович — Давлат геология ва минерал ресурслар кўмитаси раиси

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аъзолари этиб тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси ҳукуматининг бошлиғи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таркибига лавозими бўйича қиради.

2. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2015 йил 11 февраль

БАРҚАРОР ВА МУТАНОСИБ РИВОЖЛАНИШ СТРАТЕГИЯСИ

туфайли мамлакатимизда қурилиш материаллари саноатининг ишлаб чиқариш қувватлари ошаяпти



ТАҲЛИЛ ВА ТАҚҚОС

Бугунги кунда Ўзбекистонимиз том маънода улкан бунёдкорлик ва қурилиш майдонига айланди. Хусусан, вилоятлар марказларини бош режа асосида ривожлантириш мақсадида йирик лойиҳалар амалга оширилаётган бўлса, қишлоқ жойларда замонавий уй-жойлар, савдо дўконлари, хизмат кўрсатиш ва сервис шохобчалари, мактаб ҳамда коллежлар бинолари ва бошқа инфратузилма объектларини ўзиде муассам этган фусункор массивлар қад ростляпти. Шу боис ҳудудларда сифатли қурилиш материалларига талаб кун сайин ортмоқда. Натижада барча жойда бўлгани каби Навоий вилоятида ҳам ушбу соҳа индустриясини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жумладан, “Қизилқумцемент” акциядорлик жамиятида ўтган йилнинг декабрь ойида умумий сўмлик 7-тегирмон линияси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Пировардида йилга

3 миллион 80 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга корхонада қўшимча равишда 350 минг тонна сифатли цемент тайёрлаш имконияти яратилди.

(Давоми 2-бетда).

Марказий сайлов комиссиясида

11 февраль куни Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси Марказий сайлов комиссиясига Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатган номзодини рўйхатга олиш учун зарур ҳужжатларни тақдим этди.



САЙЛОВ — 2015

Шундай қилиб, мамлакатимизда фаолият юритаётган барча сиёсий партиялар “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги Қонунда белгиланган ҳужжатлар тўпламини Марказий сайлов комиссиясига топширди. Ушбу ҳужжатлар сирасига сиёсий партия раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни рўйхатга олишни илтимос қилиб, Марказий сайлов комиссиясига аризаси, сиёсий партия юқори органининг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш тўғрисидаги қарори, сиёсий партия юқори органи мажлисининг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш тўғрисидаги қарори, сиёсий партия юқори органи мажлисининг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзодни қўллаб-қувватловчи имзо варақалари қиради.

Қайд этиш жоизки, ҳозирги кунда Марказий сайлов комиссиясига имзо варақалари тўғрисидаги қарорини текшириш бўйича ишчи гуруҳлари ўз ишини давом эттирмоқда. Уларнинг таркибига Марказий сайлов комиссияси аъзолари, жамоат ташкилотлари вакиллари, ички ишлар, адлия органлари мутахассислари киритилган. — Ҳозирги кунда ишчи гуруҳлар сиёсий партиялар томонидан тақдим қилинган ҳужжатларни атрафлича ўрганиб чиқаяпти, — дейди Марказий сайлов комиссияси аъзоси О. Абдуназаров. — Қонунга асосан, текшириш учун имзо варақалари танлаш йўли билан ажратиб олиниши мумкин. Сайловчилар имзолари ва сайлов варақаларига имзо қўйган сайловчилар тўғрисидаги тегишли маълумотлар зарур миқдорининг камиде 15 фоизи текширувдан ўтказилади. Бунда текшириш учун ҳар бир сиёсий партия томонидан кўрсатилган Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни қўллаб-қувватловчи имзолари ҳам кузатиб боришмоқда.

Қобил ХИДИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Фермерлик ҳаракати: ҚИШЛОҚ ХўЖАЛИГИ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ҚУДРАТЛИ КУЧИ

Истиклол йилларида мамлакатимиз иқтисодиётининг етакчи соҳаларидан бири — қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш ва самардорлигини ошириш масаласига устувор аҳамият берилди. Сабаби, давлатимиз тараққиёти, халқимиз турмуш фаровонлиги, дастурхонимиз файзи бевосита ушбу тармоқ истикболига боғлиқ эди. Шунинг учун аграр секторда ислохотларни амалга ошириш жараёнида бозор муносабатларини жорий қилиш ва хусусий мулкчилик шаклини такомиллаштиришга йўналтирилган чора-тадбирлар ҳаётга иччил татбиқ қилинмоқда.

Бу эса ўзининг юксак самараларини бераётган. Узоққа бормайлик, ўтган йили мамлакатимиз қишлоқ ҳўжалиги тарихида биринчи марта 8 миллион 50 минг тонналик юксак галла хирмони бунёд этилгани, 3 миллион 400 минг тоннадан зиёд пахта етиштирилгани бунинг яққол далилидир. Очиги, илгари бундай натижага эришишни фақат орзу

қилиш мумкин эди. Негаки, эндигина мустақилликка эришган чоғимизда республикамизда етиштирилган доннинг умумий ҳажми 940 минг тонна, ўртача ҳосилдорлик эса гектарига атиги 17 центнерни ташкил этган эди, холос. Ўтган қисқа давр ичиде Ўзбекистон галла мустақиллигига эришиб, донни импорт қилувчи давлатдан уни экспорт қилувчи қудратли мам-

лакатта айланди. Шунга мос равишда ҳосилдорлик ҳам кўтарилди, гектар ҳисобига 55 центнерга етди. Унлаб илгор фермер хўжалиқларида эса бу кўрсаткич ҳатто 90 — 100 центнерни ташкил этмоқда. Бундай оламшумул ютуқлар замирида, шубҳасиз, Президентимиз ташаббуси билан қишлоқ ҳўжалигига мулкчиликнинг янги шакли — фермерлик ҳаракати жорий

қилингани, унинг ривожига кенг йўл очиб берилгани муассам, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Дарҳақиқат, дунёнинг тарққий этган давлатлари тажрибасида ўзини ҳар томонлама оқлаган фермерлик ҳаракати юртимизда ҳам жуда қисқа давр ичиде нафақат қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларининг асосий ишлаб чиқарувчиси, балки аграр соҳани ва у билан боғлиқ бўлган бошқа тармоқларни ривожлантириш, шунингдек, аҳолининг турмуш даражаси ҳамда сифатини ошириш учун маъсулятини ўз зиммасига олишга қодир бўлган қудратли ижтимоий-сиёсий куч сифатида майдонга қикди.

(Давоми 3-бетда).

Қисқа сатрларда

● Пойтахтимизда “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими томонидан шаҳар ҳокимлиги, халқ таълими, ўрта махсус, касб-ҳўнар таълими бошқармалари билан ҳамкорликда бошланғич ташкилот етакчиларининг минтақавий форуми бўлиб ўтди. Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида ўтказилган мазкур форумда 2014 йилда бажарилган ишлар таҳлил этилди.

● Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 574 йиллиги муносабати билан “Навоий ва замонамиз” мавзусида адабий-бадиий кеча ташкил этилди. Тадбирда шоирнинг серкира ижоди, асарлари ҳақида сўз юритилди, талбалар томонидан Навоий асарлари асосида саҳна кўринишлари намойиш қилинди.

● Андижон вилоятининг Улуғнор туманида одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини оширишга бағишланган семинар бўлиб ўтди. Тадбир қатнашчилари тумандаги бир қатор ташкилот ва муассасаларда мазкур йўналишда олиб борилаётган ишлар билан танишди.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Бугунги кунда республикада етиштирилаётган ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 99 фоизи хусусий сектор улўшига тўғри келаётгани бунга тўла асос бўла олади.

— Дунёнинг бирор давлатида фермерлар учун биздагидек қўлай шарт-шароит яратилмаган бўлса керак, — дейди Ўзбекистон Қаҳрамони, Қамаш туманидаги "Бозор ўли Абди" фермер хўжалиги раҳбари Абдимурод Бозоров. — Чунки бевосита Президентимиз ташаббуси ва раҳбарлиги остида фермер хўжалиқларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, уларга имтиёз ва преференциялар беришнинг самарали тизими ишлаб чиқилиб, унинг ижроси изчил таъминланмоқда. Бу эса, ўз навбатида, фермер хўжалиқларининг молиявий ва иқтисодий жиҳатдан тезда оёққа туриб олишлари учун қўлай имконият яратган. Масалан, қишлоқ жойларда ишлаб чиқариш ва ихтимой инфратузилмани шакллантириш, ирригация тизимини барпо қилиш, ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш учун маблағлар давлат бюджети томонидан молиялаштирилмоқда. Уруғлик, минерал ўғит, ёнлиғи-мойлаш материаллари дейсизми, кимёвий воситалар бўладими — буларнинг бари дала бошигача етказиб берилаётди. Энди ўзингиз холисона айтинг: деҳқон учун шароит бўлса, шунчалик бўлади-да!

Юртбошимизнинг "Фермер бой бўлса — мамлакат обод бўлади" деган пурмазно сўзларидан келиб чиқиб, шунингдек, фермер хўжалиқларининг иқтисодий ва молиявий мустақиллигини мустаҳкамлаш, соҳанинг ҳуқуқий асос ҳамда кафолатларини яратиш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ер майдонларини мақбуллаштириш борасида комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Натижада одамларнинг ерга, мулкка эгалик ҳисси ошиб, қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлиги кўтарилди, шунингдек, етиштирилган маҳсулотларнинг сифат кўрсаткичлари тубдан яхшиланаётди. Бинобарин, давлатимиз раҳбари қўп бора таъкидлаганидек, "Ҳаммамизга маълумки, совет тузуми даврида хусусий мулк бўлмаган. Биз соёқ совет тузумининг асоратларидан фермерларга ер ажратиш, уларда мулкдорлик ҳиссини шакллантириш орқали халос бўла бошладик. Бугун фермерлар — мамлакатимизнинг устунига айланди. Устун эса таянч, демокдир. Лекин фақат деҳқончилик ва чорвачилик билан фаровонликка эришиб бўлмайди.

Фермерларнинг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш, қўп тармоқли фермер хўжалиқларини ривожлантириш лозим. Чунки фермерлик ҳаракати иқтисодиётимизни ривожлантиришга, аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини оширишга хизмат қиладиган қудратли кучдир".

тирилмоқда. Бу борада, таъкидлаш лозимки, давлатимиз раҳбари томонидан 2012 йил 22 октябрда имзоланган "Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Фермерлари кен-

қошида мева-сабзавот, гўшт-сутни қайта ишлаш корхоналари барпо этилиб, 9,8 мингдан ортиғида сервис хизматлари кўрсатиш йўлга қўйилди. Бундан ташқари, 8511 гектар ерда анъанавий усулда, 6094 гектар майдонда интенсив боғ, 9574 гектарда тоқзорлар яратилиб, паррандачилик,

ка қўрик-танлови голиби, Сирдарё вилоятидаги "Ахмадий" фермер хўжалиги раҳбари Баходир Кенжаев. — Бунинг учун эса, барча имкониятлар эшиги очиб берилган. Фақат ундан оқилона фойдаланиб, фидокорона меҳнат қилсак, бас. Ўзимиздан қиёс: пахтачилик, галлачилик, чорвачилик-

2500 та зооветеринария пункти, 1720 та ММП, 1700 та Сув истеъмолчилари уюшмаси, 1370 та ёқилғи қуйиш пункти, 1179 та минибанк, 900 та минерал ўғитлар ва 450 та қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сотиш шохбчаси, шунингдек, 270 та агрофирма қишлоқ мулкдорларига хизмат қиладигани бунинг тасдиғидир.

Мутахасссларнинг эътироф этишича, бундай саъй-ҳаракатлардан кўзланган ягона мақсад Ер юзи аҳолиси кўпайиб бораётган ҳозирги шароитда озиқ-овқат хавфсизлиги масаласини ижобий ҳал этишдир. Чунки жаҳонда бундай маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши аҳоли сони ва эҳтиёжларининг ўсишидан ортда қолмоқда. Атроф-муҳитнинг экологик жиҳатдан бузилиши, иқлим ўзгаришларининг олдиндан айтиб бўлмайдиган оқибатлари, тез-тез тақрорланаётган қурғоқчилик ва сув ресурслари тақчиллиги каби омиллар вазиётни янада мураккаблаштираётди. Оқибатда бугунги кунда сайёраимизда ҳар саккиз кишидан бири тўйиб овқатланмаслиқдан азият чекапти. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, ривожланаётган мамлакатларда ҳар бир киши тавсия этилган кундалик 400 грамм ўрнига жуда кам миқдорда — бор-ўйги 150-200 грамм мева ва сабзавот истеъмол қилмоқда.

Чиндан ҳам, Ўзбекистон деҳқончилик ва боғдорчилик ботида юксак салоҳият ҳамда катта тажрибага эга. Бунда, шубҳасиз, фермерлик ҳаракатининг муносиб ўрни бори. Юртимизда ҳар йили 16 миллион тоннага яқин мева ва сабзавот етиштирилаётгани, анқроғи, аҳоли жон бошига қарийб 300 килограмм сабзавот, 75 килограмм картошка ва 44 килограмм узум тўғри келаётгани, бу эса мақбул деб ҳисобланадиган истеъмол меъёридан уч баробар кўплиги ана шундан далолат беради.

Шу билан бирга, бозорларни санотат маҳсулотлари билан тўлдирётган фермерлар орасида экспортчилар ҳам кўпайётгани қувонарлиқдир. Зағнофта туманидаги "Миришкор Сайфутдинова Хонзода", Қибрай туманидаги "Байт-қўрғон Арипов Хайитвой", Сароисёе туманидаги "Абдурахмон Абдуғафдор давр", Тайлоқ туманидаги "Сиеб Шавкат орзу" фермер хўжалиқлари экспорт амалиётининг қалдирғочлари ҳисобланади.

Юртимизда фермер хўжалиқлари билан хизмат кўрсатуви ва таъминот корхоналари ўртасида мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатилган. Ҳозирги пайтда

Соҳада қўлга киритилаётган улкан муваффақиятларимиз ўтган йили Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган "Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари" мавзусидаги халқаро конференция иштирокчилари — хорижий мамлакатларнинг кўзга кўринган олим ва мутахассслари, нуфузли халқаро ташкилотларнинг вакиллари томонидан юксак баҳоланди. Хусусан, уларнинг фермер хўжалиқларини жадал ривожлантириш мақсадида давлат томонидан имтиёз ва преференциялар бериш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини қўллаб-қувватлаш бўйича миллий тажрибаимизни кенг ўрганишга тавсия этишгани ҳар бир юртдошимиз қалбига гурур ва ифтихор туйғуларини уйғотмоқда. Зеро, Президентимиз ташаббуси билан асос солинган фермерлик ҳаракати ўзбек деҳқонига мулкдор бўлиш, ўз меҳнатидан манфаат қўриш, рағбат топишдек бахт-саодатни берди.

Сайд РАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

Шомурот ШАРАПОВ олган сурат.

Фермерлик ҳаракати: ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ҚУДРАТЛИ КУЧИ



Қишлоқ мулкдорлари олдига қўйилган ана шундай улкан мақсадлар босқичма-босқич рўёбга чиқарилаётгани туфайли фермерлик ҳаракати шаклланиш давридан ўтиб, ривожланишининг ойдин йўлига чиқиб олди. Гап шундаки, ширкат ва жамоа хўжалиқлари тугатилган, уларнинг негизда дастлаб 220 мингдан ортиқ фермер хўжалиқлари ташкил этилган эди. Ислохотларнинг кейинги босқичида, яъни 2008 — 2010 йиллар давомида уларнинг ер майдонлари мақбуллаштирилиб, қишлоқ мулкдорлари яна бир бора сараланди. Пироваврида бугунги кунда соҳада иқтисодий салоҳияти юқори бўлган 73 мингдан зиёд илғор фермер хўжалиқлари фаолият кўрсатмоқда.

гаши ва унинг қўйи бўғинлари тузилгани айна мударо бўлди.

Фермерлик ҳаракатини ташкил қилиш ва бошқариш тизимидаги мазкур янги тузилма, ўз навбатида, фермерларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини янада кучайтириш, уларнинг ваколатларини кенгайтириш, энг асосийси, соҳага илм-фан ютуқлари ва энг замонавий агротехнологияларни жорий қилиш имконини берди. Бунинг самараси ўлароқ, эндиликда фермерлар бир йўналиш билан чегараланиб қолмапти. Улар бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқиб, қўшимча тармоқларни ишга тушириш, қишлоққа сонаотни олиб кириш, етиштирган маҳсулотларни татиб кўринг. Шунда ўзингиз ҳам харидорлар сафига қўшилишнингизни сезмай қоласиз.

— Президентимиз "Ҳозирги давр фермерлари нафақат деҳқончилик сирларини пухта билиши, айна пайтда у иқтисодчи, ҳисобчи, селекционер, бизнесмен ҳам бўлиши даркор" дея қайта-қайта таъкидлайдилар, — дейди "Ташаббус — 2014" республи-

чорвачилик, балиқчилик ва асалари-чилик тармоқларига қўп урилди. Шунинг ҳисобига 167 мингдан зиёд иш ўринлари очилиб, қишлоқ аҳолисидан яна шунча қисмининг бандлиги таъминланди.

Этиборлиси, фермерлар томонидан бозор талаби пухта ўрганилган ҳолда, замонавий технологик ускуналар ёрдамида ишлаб чиқарилаётган ноз-неъматлар ички бозордан мустаҳкам жой эгалламоқда. Уларнинг сифати юқорилиги, нархи эса арзонлиги боис кун сайин харидорлар бўлиб борапти. Бунга тўлиқ ишонч ҳосил қилишни истасангиз, ўнлаб фермер хўжалиқлари тамғаси туширилган маҳсулотларни татиб кўринг. Шунда ўзингиз ҳам харидорлар сафига қўшилишнингизни сезмай қоласиз.

— Президентимиз "Ҳозирги давр фермерлари нафақат деҳқончилик сирларини пухта билиши, айна пайтда у иқтисодчи, ҳисобчи, селекционер, бизнесмен ҳам бўлиши даркор" дея қайта-қайта таъкидлайдилар, — дейди "Ташаббус — 2014" республи-

МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА



AGROBANK

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ихтимой-иқтисодий ислохотлар самарадорлигини юксалтириш, халқимиз турмуш фаровонлигини таъминлашда молия-банк тизимининг муносиб ҳиссаси бор. Негаки, улар тезкор ва сифатли хизматлари билан санотат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш-пудрат ишлари, хусусий тадбиркорлик, кичик ва оилавий бизнес каби иқтисодиётимизнинг муҳим тармоқларини ривожлантириш, мустақил ҳаётга қадам қўяётган ёшларнинг жамиятда ўз ўрнини топиб олишига молиявий маддадор бўлмоқда. Бунга "Агробанк" акциядорлик тижорат банкининг Наманган вилояти бошқармаси фаолияти яққол мисол бўла олади.

ёрдамлашяпти. Шу мақсадда жойларда кўрғазмали семинарлар ташкил этилиб, уларда мутахассслар бизнес-режа тузиш, бошланғич сармомани шакллантириш, ажратилган маблағдан мақсадли фойдаланиш бўйича зарур тавсия ва маслаҳатлар бераётган бўлса, илғор тадбиркорлар ўз тажрибаси билан ўртоқлашмоқда. Бу эса йигит-қизларда тадбиркор-

Ишбилармон ёшларга кенг йўл



Аввало, мазкур жамоа томонидан 2014 йилда молиявий хизматлар кўрсатиш қўламини янада кенгайтирилди. Бунга "Соғлом бола йили" Давлат дастуридан келиб чиқиб, белгилаб олинган устувор вазифалар асосида иш юритилгани туфайли эришилди. Натижада ишбилармон аёлларнинг бизнес-лойиҳаларини молиялаштиришга 6,3 миллиард сўм, оилавий бизнес ва хунармандчиликни ривожлантириш учун 1 миллиард сўм, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадларига 64 миллиард сўм миқдорда кредит ажратилди. Бу, ўз навбатида, жойларда замонавий корхоналар ташкил этиш, мавжудлари фаолиятини кенгайтириш,

шунингдек, қўшимча иш ўринлари яратишда муҳим омил бўлди.

— Юртимизда юз бераётган бекиёс янгиланишлар, амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларини кўрган кишининг ҳаваси келади, — дейди Чуст шаҳридаги "Олмос Нисора Бону" хусусий корхонаси раҳбари Дилфуза Улуғбоева. — Айниқса, тадбиркорлар қўлга киритаётган муваффақиятлар олдига эътиборга молик. Бу қўлай ишбилармонлик муҳити яратилгани, ишбилармонлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани самарасидир. Биз ҳам мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиб, тадбиркорликнинг эътидан тутганмиз. Ўтган йили фаолиятимизни кенгайтириш мақсадида "Агробанк"нинг

Чуст филиалига мурожаат қилганимизда, бизнес-лойиҳамиз ҳодимлар томонидан қисқа муддат ичида қўриб чиқилиб, 198 миллион сўмлик кредит берилди. Ушбу маблағ ҳисобидан 30 дан зиёд тикув, 3 та бичув машинаси ҳамда хом ашё сотиб олдик. Иш ўринлари сони 16 тага қўпайди. Бугунги кунда корхонамизда эркаклар, аёллар ва болаларга мўлжалланган сифатли кийим-кечаклар ишлаб чиқарилиб, буюртмачиларга етказиб бериляпти. Банк жамоаси, шунингдек, Президентимизнинг 2010 йил 28 июлдаги "Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ, ёшларнинг бизнес-лойиҳаларини рўёбга чиқаришда ҳам яқиндан

ликка бўлган қизиқишни янада кучайтираётди. — Мамлакатимизда биз, ёшлар камолоти йўлида кўрсатилаётган алоҳида эътибор ва ғамхўрликни ҳар қадамда ҳис қилиб турибмиз, — дейди Уйчи тумани агросаноат коллежи битирувчиси Маъруф Убайдуллаев. — Масалан, таълим олишимиз, бирор хунарни эгаллашимиз учун барча шарт-шароит яратилган. Тадбиркорликка қўп урмоқчи бўлсак, банклар молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб турибди. Бултур ўқишни тамомлаган, мих ишлаб чиқариш бўйича тузган бизнес-режамни "Агробанк"нинг Уйчи филиалига тақдим қилган эдим. Банк мутахассслари лойиҳамни атрофлича ўрганиб, 40 миллион сўм миқдорда кредит ажратиб беришди. Шу тариқа бизнес фаолиятини бошлаб юбордим.

Умуман олганда, бошқарма томонидан 2014 йилда касб-хунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш, уларнинг тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш мақсадида 1,2 миллиард сўмлик имтиёзли кредитлар йўналтирилди. Кўрсатилаётган бундай молиявий кўмакдан унумли фойдаланаётган ёшлар мустақил равишда иш юритиб, энг аввало, оиласи, қолаверса, жамиятга наф келтирмоқда.

Буларнинг бари юртимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар кутилган натижадорлиги бераётганининг амалий тасдиғидир.

Хайрулла ХОЛТЎРАЕВ.

Хизматлар лицензияланган.

Хўрматли ёшлар ва азуз ота-оналар! НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҚОШИДАГИ ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИ 2015/2016 ўқув йилида абитуриентларни олий таълим муассасаларига кириш тест синовларига ўзбек тили ва адабиёти, тарих, инглиз тили, математика, физика, биология ва кимё фанларидан чуқурлаштирилган тайёрлов курсларида ўқишга таклиф этади! Дарсларни университетнинг малакали профессор-ўқитувчилари умумий ўрта ва ўрта махсус таълим дастури асосида олиб борадилар. Вилоятлардан келган абитуриентлар ётоқхона билан таъминланади. Тўлов нақд, пластик карточка ёки пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Қўшимча маълумотлар учун телефон: (0-371) 255-55-77. Манзил: Тошкент шаҳри, Яқкасарой тумани, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103-уй, Низомий номидаги ТДПУ, 3-бино, 2-01-хона, тайёрлов бўлими маъмурияти.

«КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Жиззах вилояти филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич охиб бориш тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади. Аукцион савдосига Жиззах шаҳар СИБ томонидан Жиззах вилояти Хўжалик судининг 2014 йил 20 майдаги 13-1408/2166-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Жиззах шаҳри, Сангзор маҳалласи, Олим Азимов кўчаси, 17-уйда жойлашган, Жиззах шаҳар ҳокимлигига тегишли бино-иншоотлар қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 2 019 397 000 сўм. Аукцион савдоси 2015 йил 17 март кунин соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Аукцион савдосида иштирок этиш истағидидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати — 2015 йил 13 март кунин соат 18.00. Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулклар билан Жиззах шаҳар суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб таншиш мумкин. Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'shmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Жиззах вилояти филиалининг АТИБ «Ипотeka-банк» Жиззах вилояти филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 22626000804920609001, МФО: 00122, СТИР: 20712519. Савдо ўтказиладиган манзил: Жиззах шаҳри, Шароф Рашидов кўчаси, 39-уй. Телефон: (0-372) 222-34-16. www.1kms.uz Хизматлар лицензияланган.

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ очиқ аукцион савдоларига таклиф этади. «Capital realtor group» МЧЖ Фаргона филиалида 2015 йил 18 март кунин соат 14.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич охиб бориш тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қўйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда: 1. Қўноқ шаҳар СИБ томонидан ФВХСнинг 2014 йил 12 сентябрдаги 15-14-04/11118-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қўноқ шаҳри, 1-МФЙ, Бўрчилар кўчаси, 9-уйда жойлашган, фойдаланиш майдони 217,13 кв.м. бўлган, 0004-0008, 0010-0014-литерлардаги бино-иншоотлар. Бошланғич баҳоси — 693 043 478 сўм. 2. Бувайда тумани СИБ томонидан ФВХСнинг 2011 йил 6 декабрдаги 15-11-03/31585-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Бувайда тумани, «Бештерак» ҚФЙ, Жилва қишлоғида жойлашган, қурилиш ости майдони 1164,95 кв.м., фойдаланиш майдони 149,33 кв.м. бўлган 0001-0004-литерлардаги 9-бригада дала-шйиёни ва асфальт қопламали хирмон. Бошланғич баҳоси — 28 024 957 сўм. 3. Бувайда тумани СИБ томонидан ФВХСнинг 2014 йил 2 майдаги 15-14-08/6311-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Бувайда тумани, «Чинобод» ШФЙ, Ойдинкўл қишлоғида жойлашган, қурилиш ости майдони 191,17 кв.м., фойдаланиш майдони 152,33 кв.м. бўлган 0001-0003-литерлардаги эҳтиёт қисмлар сақлаш омбори ва қурилиши тугалланмаган сауна бино-иншоотлари. Бошланғич баҳоси — 44 303 986 сўм. Аукцион савдосида иштирок этиш истағидидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2015 йил 16 март кунин соат 17.00 да тўхтаилади. Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли туман (шаҳар) суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб таншиш мумкин. Аукцион савдосида қатнашиш истағидидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини савдо ташкилотчиси — «Capital realtor group» МЧЖнинг АТБ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662. Манзил: Фаргона шаҳри, Бўрқониддин Марғинович кўчаси, 35-уй, «Биржа маркази» биноси, 2-кават, 19-хона. Телефонлар: (+998 73) 244-42-24, (+998 90) 231-38-59. Хизматлар лицензияланган.

Ижод ва маҳорат кўриги



Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида журналистика соҳасида "Олтин қалам" X Миллий мукофоти учун халқаро танловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмитанинг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда тегишли вазирлик ҳамда идоралар, ижодий ва жамоат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

«ОЛТИН ҚАЛАМ — 2015»

Президентимиз ташаббуси билан таъсис этилган, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳамда Журналистларни қайта тайёрлаш маркази томонидан Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Миллий телерадиокомпания, "Uzreport" ахборот агентлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамкорлигида ўтказиб келинаётган мазкур танловдан қўзланган асосий мақсад, миллий ва халқаро журналистика ютуқларини оммалаштириш, ОАВ ходимларининг фуқаролик позициясини намоён этиши учун шароит яратиш, журналистларда танқидий фикрлаш ҳамда ижодий фаолиятга ангина ёндашувларни шакллантиришдан иборат.

Ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ташкилий қўмитанинг иш режаси тасдиқланди, ишчи гуруҳи тузилиб, танловга тайёргарлик бўйича қатор масалалар кўриб чиқилди. Айтиш жоизки, илгирки йилги танловнинг олдингиларидан фарқли жиҳатлари хусусида сўз юритилди. Телевидение, радио, матбуот ва интернет-журналистика йўналишлари бўйича ўтказилган халқаро танловда битта бош миллий мукофот ва ҳар бир номинация бўйича учтадан мукофот тақдим этилди. Ғолибларни тақдирлаш ҳамда танловни ўтказиш билан боғ-

Шунингдек, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳам ўз номинациялари билан қатнашишини маълум қилди. Бундан ташқари, бир қатор халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари томонидан ҳам "Олтин қалам" Миллий мукофоти доирасида мукофотлари топширилиши режалаштирилган.

Танлов ғолиблари Жаҳон матбуоти эркинлиги кўни арафасида эълон қилинади.

Омонулла ФАЙЗИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

КЎРГАЗМА

Камолиддин Беҳзод номидаги мемориал боғ-музейида улуг бобокалонларимиз Алишер Навоий ҳамда Заҳриддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва фаолиятига бағишланган «Нафис чизгилар» деб номланган кўргазма ташкил этилди.

САНЪАТ

Карвинг санъатини пухта эгаллаган Қарши шаҳрилик тадбиркор Мақсуд Шукуров полиз маҳсулотлари, мева ва сабзавотлардан декорация усулида жонли табиат манзараларини яратиб, кўпчиликини ҳайратда қолдирди.

— Карвинг — пазандликка оид санъат тури бўлиб, ресторан ва меҳмонхоналар, турли тадбирлар, байрам дастурхонларини ясашида кенг қўлланилади, — дейди М. Шукуров. — Ушбу жараёнда нафақат мевасабзавот ва полиз неъматлари, балки шоколад, пишлоқ каби маҳсулотлардан ҳам кенг фойдаланиш мумкин.

Айтиш жоизки, Қарши шаҳридаги "Машхура" ўқув маркази қошида мазкур санъат турини ўргатиш бўйича махсус курс фаолият юритмоқда. Айтиш пайтда унда 25 нафар йигит-қиз хунар эгаллаётган.

Аҳад МУҲАММАДИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Замин неъматларидан табиат манзаралари

Нафис чизгилар

Олимлар, санъатшунослар, мусаввирлар, хаттотлар, наққошлар, ҳайкалтарошлар, санъат йўналишидаги олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, талабалар ишти-

рок этган ушбу тадбирда истиқлол йилларида амалга оширилган маънавий-маърифий ислохотлар жараёнида ёшларни буюк аждодларимизга муносиб ворислар этиб

камолга етказишга алоҳида аҳамият берилётгани таъкидланди.

Кўргазмадан Баҳодир Ҳожиметов, Абдурахим Каримов, Шорасул Шоҳмедов сингари таниқли

мўйқалам усталари ҳамда ёш rassomларнинг бобокалонларимиз сиймолари, уларнинг асарлари қарамонлари акс эттирилган китобот, хаттотлик, миниатюра, наққошлик санъати намуналари жой олган.

Моҳиро АДIZОВА.

• РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР •

Хурматли юртдошлар!

«АСАКА» банки

2015 йил — Кексаларни эъозлаш йили муносабати билан

миллий валютадаги қуйидаги муддатли янги омонат турини таклиф этади.

«ҚАДРИЯТ»

Ушбу омонатга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугаганидан сўнг берилади.

Шу билан бирга, «Асака» банки қулай шартларда миллий ва хорижий валютада 90 дан ортиқ омонат турларини таклиф этади.

Омонатларни банкнинг барча филиалида расмийлаштириш мумкин.

Мурожаат учун телефонлар:
(0-371) 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

1.	Тошкент шаҳар филиали	(0-371)	120-83-13
2.	«Автотранспорт» филиали	(0-371)	120-39-95
3.	Шайхонтоҳур филиали	(0-371)	140-39-36
4.	Ўнубод филиали	(0-371)	221-80-67
5.	Сергели филиали	(0-371)	257-44-10
6.	Тошкент вилояти филиали	(0-371)	120-84-13
7.	Андижон вилояти филиали	(0-374)	298-02-10
8.	Асака филиали	(0-374)	233-15-68
9.	«Фарход» филиали	(0-374)	226-97-53
10.	Фарғона вилояти филиали	(0-373)	224-70-83
11.	Марғилон филиали	(0-373)	237-62-23
12.	Ўлтириқ филиали	(0-373)	432-10-11
13.	Кўкчилик филиали	(0-373)	552-61-06
14.	Наманган вилояти филиали	(0-369)	226-91-45
15.	Навой вилояти филиали	(0-366)	770-24-09
16.	Зарафшон филиали	(0-436)	573-18-75
17.	Бухоро вилояти филиали	(0-365)	223-70-05
18.	Бухоро шаҳар филиали	(0-365)	770-11-27
19.	Самарқанд вилояти филиали	(0-366)	233-65-47
20.	«Афросиёб» филиали	(0-366)	221-75-40
21.	Қашқадарё вилояти филиали	(0-375)	221-07-41
22.	Сурхондарё вилояти филиали	(0-376)	770-82-12
23.	Қорақалпоғистон Республикаси филиали	(0-361)	770-60-56
24.	Хоразм вилояти филиали	(0-362)	226-96-03
25.	Сирдарё вилояти филиали	(0-367)	225-44-03
26.	Жиззах вилояти филиали	(0-372)	226-43-11

www.asakabank.com

БАРЧА ОМОНАТЛАР ФУҚАРОЛАРНИНГ БАНКЛАРДАГИ ОМОНАТЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШ ФОНДИ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНАДИ.

Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод;
- маълумотларнинг сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;
- эғалик қилиш ва тасарруф этиш ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;
- миқдори чекланмаган.

Хизматлар лицензияланган.

«Миллий маҳсулот — миллий гурур»

Айнан шу шиор остида фаолият юритаётган «Artel» компанияси яқиндан бошлаб янги русумдаги «Z10» мобил телефони ишлаб чиқара бошлади.

Мазкур телефон Кексаларни эъозлаш йилида ёши катталар учун ҳақиқий тўхта бўлди. Чунки, аввало, унинг нархи чўнтақбоп, 100 минг сўмдан ошмайди. Ўзбек ва рус тилларида дастурланган алоқа воситаси монитори учун эса тарихий обидалар суратлари мавжуд.

Шунингдек, «Z10» иккита сим-карта ёрдамида, GSM стандарти асосида, 900 дан 1900 мегагерцга бўлган диапазонда ишлайди. Экраннинг катталиги 2 QVGA(370x240) ҳажмда бўлиб, 0,3 мегапикселли фотокамерага эга. Хотираси 32 мегабайтни ташкил этади. Клавиатуранинг йирик ва қулай жойлашгани рақамларни теришда қийинчилик туғдирмайди. Шу билан бир қаторда, зарурат туғилганда, «SOS» сигнали орқали ёрдамга чақириб олиш мумкин. Агар телефон аппаратида бир йил давомда бирор носозлик пайдо бўлса, компания томонидан бепул сервис хизмати кўрсатилади. Буларнинг барчаси кексаларимизга жуда катта қулайлик яратади, албатта.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган ислохотлар натижасида иқтисодиётимиз барча соҳасида, шу жумладан, электротехника саноатида ҳам улкан муваффақиятлар қўлга киритилмоқда. Бунда Президентимизнинг 2010 йил 15 декабрдаги «2011 — 2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги қарори муҳим дастуриламал бўлмоқда. Негаки, ушбу ҳужжатда республикамиз саноатини мутаносиб равишда ривожлантириш, унинг тармоқларини диверсификация қилиш ва экспорт салоҳиятини юксалтириш бўйича бир қатор вазифалар белгилаб берилдики, ҳозирги кунга келиб унинг ижроси амалда ўз самарасини кўрсатмоқда. 2013 йилда юртимизда «Artel» бренди остида мобил телефонлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилгани ана шундай саъй-ҳаракатлар мевасидир.

«Artel» телефонлари, хусусан, «Z10» мобил алоқа воситаси «Motorola», «LG Electronics», «Alcatel», «MediaTek» ва «Foxconn» сингари дунёга машҳур компаниялар билан ҳамкорликда ишлаб чиқарилади. Шу боис бундай телефонларга талаб йил сайин ошмоқда. Ҳозирги кунга компания томонидан 400 мингга яқин телефонлар тайёрланиб, унинг бир қисми экспорт қилинган бунга яққол мисол бўла олади.

Шу кунларда «Z10» телефони республикамизнинг барча ҳудудидаги фирма дўконларидан харид қилиш мумкин. Яна бир эътиборли жиҳати, эндиликда юртдошларимизга нафақат мобил телефонларини, балки музлаткич, совуткич, газ плитаси, кир ювиш машинаси, телевизор каби маиший техника воситаларини ҳам уйларидан чиқмаган ҳолда сотиб олиш имконияти яратилди. Бунинг учун artelmarket.uz сайтига киришнинг ўзи қўлға.

Дарҳақиқат, юртимиз кексалари доимий эътиборда. Бугунги кунда уларни ҳурмат қилиш, эъозлаш йўлида амалга оширилаётган ишлар кўлами эса ниҳоятда кенг. «Artel» корхонасининг янги русумдаги телефон аппаратини ҳам ана шундай эътибор намунаси, десак, айтиш ҳақиқатни айтган бўлаимиз.

Маҳсулот сертификатланган.

artel®



Z 10

www.artel.uz

WWW.XS.UZ

ТАИЛАНДда велоспорт бўйича давом этаётган Осие чемпионатининг кўп кураш баҳсларида ҳамюртимиз Тимур Гумеров олтин медални қўлга киритди.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСАЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.



Тахририятга келган қўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.
Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бемуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиёва.
Навбатчи — С. Махсумов.
Мусахҳах — Ш. Машраббоев.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.50 Топширилди — 23.10 1 2 3 4 5